

---

## Еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди

Бугун еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳоқими ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов иштирок этди.


Сессияда туман сайлов комиссияси раиси Мақсудали Холиқов жорий йил 27 октябрда бўлиб ўтган сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборотини ўқиб эшиттирди. Сессияда депутатлар партия гуруҳлари рўйхатга олиниб, туман кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги Низоми тасдиқланди.

Сессия ишида вилоят ҳоқимининг Фурқат тумани ҳоқимини тайинлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди. Вилоят ҳоқими ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов Фурқат тумани ҳоқимини тайинлаш тўғрисидаги вилоят ҳоқимининг қарорини ўқиб эшиттирди.

Фурқат тумани ҳоқими лавозимига номзод Асронкулов Элёрбек Мадаминвич томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастури тақдимот қилинди.

Номзод бўйича депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Депутатлар томонидан Фурқат тумани ҳоқими лавозимига Асронкулов Элёрбек Мадаминвич номзоди тасдиқланди.







2024-11-08 11:11:47